

## ЯЙЛОВЛАРНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ

АБДУҲАЛИМОВ ШУҲРАТ АБДУҲАЛИМОВИЧ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Қонунчилик палатаси депутати

E-mail: sh.nazarov77@mail.ru

---

### ARTICLE INFO.

---

**Калит сўзлар:**

: яйловлар тушунчаси ва унинг хуқукий мақоми, яйловлар деградацияси, яйловларни барпо этиш, ерларни яйлов ерлари тоифасига ўтказиш, яйлов ерларини жисмоний ва юридик шахсларга фойдаланишга бериш қоидалари, яйловлардан оқилона фойдаланишнинг ташкилий-хуқукий механизми, яйлов ер майдонларини ижарага бериш, бузилган ерларни рекультивация қилиш, тупроқнинг унумдор қатламиини сидириб олиш, саклаш ва ундан оқилона фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиши.

---

### АННОТАЦИЯ

---

Сўнгги йилларда республикамизда ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ерлардан фойдаланишда давлат назоратини кучайтириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Аммо бугунги кунда мавжуд 21,2 миллион гектар яйлов ва пичанзорлардан самарали фойдаланиш, ўсимликларнинг тури ва сонини кўпайтириш, ҳосилдорлигини ошириш, чорва молларини тартибли алмашлаб бокишини йўлга кўйиши, яйлов ва пичанзорлар деградациясининг олдини олиш мақсадида геоботаник тадқикотларни ўтказиш юзасидан тадбирлар назоратдан четда қолиб кетмоқда.

Натижада сўнгги 25-30 йилда яйлов ва пичанзорларнинг 35-40 фоизи деградацияга учраган, ўсимликлар тури ва сони 20 фоизга камайган бўлса, ҳосилдорлик 1,5-2 баробарга тушиб кетган эди.

Бундан ташқари, мол бокиши ва пичан ўриш меъёрлари ва режалари белгиланмагани, яйловларни муҳофаза қилиш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилган илмий-тадқикот ва инновацион ишланмаларнинг жорий этилмагани, яйловлардаги мавжуд сув таъминоти иншоотларининг эскиргани оқибатида республикадаги яйловларнинг ҳолати йилдан-йилга ёмонлашиб боряпти.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Маълумотларга кўра, республикамизда умумий ер майдони 44,8 млн. гектарни, экин ерлари 4 млн. гектарни, лалми 786 минг гектарни, кўп йиллик дараҳтзорлар 483 минг гектарни, бўз ерлар 86 минг гектарни, қишлоқ хўжалик ер турлари 25,7 млн. гектарни, томорқа ерлар ва боғдорчилик-сабзавот уюшма ерлари 748 минг гектарни, мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар 68 минг гектарни, ўрмонзорлар 3,4 млн. гектарни, бутазорлар 1,3 млн. гектарни ва бошқа ерлар 13

млн. гектарни ташкил этади. Шундан яйлов ва пичанзорларнинг умумий майдони 21,2 млн. гектар ёки мамлакат ер майдонининг 47,3 фоизидан иборат.

Бир қарашда мамлакатимиз ҳудудининг қарийб ярми яйлов ва пичанзорлардан иборатдек ҳамда бу масалада ҳеч қандай муаммо йўқдек туюлади. Лекин кейинги 35-40 йил давомида кўчма чорвачиликда яйловлардан меъёрдан ортиқ фойдаланганлик, молларни яйловларда ортиқча боқиш ва бошқа антропоген таъсирлар натижасида чорва озуқаси ҳажмининг йўқолиши ва яйлов ерлари инқирози содир бўлмоқда.

Соҳа мутахассисларининг таҳлилларига кўра, ҳозирги кунга келиб, мамлакатдаги умумий 21,2 млн. гектардаги яйлов майдонларидан 16,4 млн гектари (77,3 фоизи) инқирозга учраган, 20 фоиздан ортиқ майдондаги яйлов ва пичанзорда ўсимликлар сони ва турлари камайиб, маҳсулдорлик 2 баробарга, шу жумладан озуқа экинлари ҳосилдорлиги гектарига 1,5-2,5 центнерга қисқарган.

Ўтган асрнинг 90 йилларида яйловларда 274 хил ўсимликлар учраган бўлса, бугунги кунда уларнинг атиги 42 тури қолган. Яйловларга қаровсизлик, улардан хўжасизларча фойдаланиш ва пайхон қилиниши туфайли қолганлари йўқолиб кетган. Инқирозга учраган яйлов майдонларини аниқлаш ва уларни тиклаш ҳамда ҳосилдорлигини ошириш учун озуқабоп экинларни экиш ишларига етарлича эътибор қаратилмаган.

Ҳозирги кунда яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасига оид муносабатлар «Яйловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўрмон тўғрисида»ги қонунлари билан хуқуқий тартибга солинмоқда.

Мазкур хужжатлар инвентаризацияси ҳамда хуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили мамлакатимизда яйловлардан оқилона фойдаланиш соҳасида ҳал этилиши лозим бўлган бир катор долзарб муаммолар, хуқуқий бўшликлар ҳамда хуқуқий тартибга солиниши лозим бўлган масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Шу жиҳатдан, мамлакатимизда яйловларни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, каврак етиштиришни янада ривожлантириш ҳамда яйловларда ресурс тежовчи технологияларни кенг қўллаш мақсадида 2023 йил 16 феврал куни Президентимизнинг “Яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур хужжатга асосан Халқаро молия институтларининг 7,8 млн АҚШ доллари миқдоридаги грант маблағлари ҳисобидан 2023 йилда Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида йиллик қуввати 10 минг тонна бўлган майда шохли моллар учун витамин ва минераллар билан бойитилган омухта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда Самарқанд вилоятида Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти базасида Чорва ҳайвонлари генетик тадқиқоти лабораториясини ташкил қилиш, шунингдек Яйлов хўжалигини ривожлантириш уюшмасига аъзо қоракўлчилик-наслчилик хўжаликларида 500 минг бош майда шохли молларни рақамли идентификация қилиш чораларини кўриш белгилаб олинди.

Шунингдек, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига қарашли 500 гектар яйловда қуёш энергиясида ишлайдиган насос агрегатлари ёрдамида еости сувларини чиқариш ҳамда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича намунавий пилот лойиҳани амалга ошириш, яйловларни муҳофаза қилиш ва

улардан самарали фойдаланишга доир чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига қарашли яйловларда яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, шу жумладан фойдаланувчиларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар яйловлардан оқилона ва мақсадли фойдаланишини ташкил этиш ва назоратни амалга ошириш, каврак етиштиришни ривожлантириш, ёввойи ҳолда ўсуви каврак ўсимлигидан самарали фойдаланиш ҳамда унинг тарқалиш майдонларини асраб қолиш ва маданий каврак плантацияларини кўпайтириш, яйловлардан фойдаланишда давлат назорати ҳамда самарали бошқарувини амалга ошириш чораларини кўриш вазифаси юклатилди.

Шу билан бирга, жисмоний ва юридик шахсларга ижарага берилиган яйлов ер майдонларини хатловдан ўтказиш, яйловлардан фойдаланишнинг ҳолати ҳамда шартнома талаблари бажарилганлигини ўрганиш ва яйлов ер майдонларининг электрон ҳисобини юритишини йўлга қўйиш белгилаб берилди.

Маданий каврак плантацияларини ташкил этишда экиш далолатномалари расмийлаштирилган вақтдан бошлаб икки йил давомида Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси томонидан даврий мониторинг амалга оширилади ҳамда мониторинг якунига кўра ўсимлик униб чиқсан майдон Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан плантация сифатида давлат реестрига киритилиши назарда тутилмоқда.

Яйлов хўжалигини ривожлантириш уюшмасига аъзо хўжалик юритувчи субъектлар томонидан чегара олди зонаси ва чегара олди минтақасида жойлашган яйловлардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган тожик кавраги ўсимлигининг табиий популяцияси, такрор кўпайиши ва қайта тикланишини таъминлаш мақсадида 2023 йилдан бошлаб уч йил муддатга тожик каврагидан фойдаланишга мораторий жорий этилди.

Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси, Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда унга қарашли ер майдонларида каврак ўсимлигининг Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳамда киритилмаган барча турларидан тегишли рухсатномасиз фойдаланганлик (табиатдан ажратиб олиш, йиғиш, кесиш, зарар етказиш, нобуд қилиш) ва сотганлик учун тегишли чораларни кўриб бориши вазифаси юклатилди.

Яйловлардан самарали фойдаланиш, чўл-яйлов озуқабоп ўсимликларини кўпайтириш ҳамда уларнинг серхосил янги нав ва дурагайларини яратиш, шунингдек, каврак етиштириш йўналишида кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотлар олиб бориши ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Яйловлардан самарали фойдаланиш, чўл-яйлов озуқабоп ўсимликларининг янги нав ва дурагайларини яратиш, шунингдек, каврак етиштириш йўналишида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг давлат илмий-техник лойиҳалари эълон қилинмоқда.

Бундан ташқари, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг доимий фойдаланишидаги яйлов ер майдонларини ижарага бериш тартибини ҳамда бузилган ерларни рекультивация қилиш, тупроқнинг унумдор қатламини сидириб олиш, сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳамда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Яйловлар тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси

юқлатылди.

Юқорида қайд этилғанлардан келиб чиқиб, янги таҳрирдаги “Яйловлар тұғрисида” ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиша яйлов ерларидан самарали фойдаланиш, жумладан, илғор хорижий тажриба асосида яйловлар тушунчаси ва унинг ҳуқуқий мақомини қайта қўриб чиқиши, яйловлар деградациясининг олдини олиш, яйловларни барпо этиш, ерларни яйлов ерлари тоифасига ўтказиш ҳамда яйлов ерларини жисмоний ва юридик шахсларга фойдаланишга бериш ва бошқа қоидаларни эътиборга олиш лозим. Бунда, АҚШ, Хитой, Буюк Британия, Швейцария, Монголия, Қозогистон, Туркменистан, Қирғизистон, Тожикистан ва бошқа хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ва қонун ҳужжатларини ўрганиб чиқиши зарур.

Умуман олганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда умумий ер майдонининг қарийб ярмини ташкил этадиган яйловлардан оқилона фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми, шунингдек, яйлов ер майдонларини ижарага бериш ҳамда бузилган ерларни рекультивация қилиш, тупроқнинг унумдор қатламини сидириб олиш, сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш тартибларини белгилаб беради. Зотан, яйловлардан фойдаланишда давлат назорати ҳамда самарали бошқарувини амалга ошириш чораларини кўриш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тұғрисида” ги Қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Яйловлар тұғрисида” ги Қонуни;
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги “Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида” 299-сон Қарори;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тұғрисида” ги 434-сон қарори;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги қарори билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш” Концепция;
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон Фармони билан қабул қилинган “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф мухитни муҳофаза қилиш” Концепция;
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тұғрисида” ги ПҚ-76-сон қарори;
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тұғрисида” ги ПФ-269-сон Фармони.
10. Bakhramova, Mokhinur. "The Origins of the ODR System and Its Advantages over other

ADR Methods." *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI* 2.1 (2022): 527-530. <https://sciencebox.uz/index.php/jars/article/view/1045/972>

11. Ruzinazarov, Shukhrat Nuralievich, and Mokhinur Bakhramova Bakhramovna. "ODR as a new way of resolving online disputes in E-commerce." *Eurasian Scientific Herald* 7 (2022): 323-327. [https://www.researchgate.net/profile/MokhinurBakhramovna/publication/360454069\\_ODR\\_as\\_a\\_new\\_way\\_of\\_resolving\\_online\\_disputes\\_in\\_E-commerce/links/6277799a107cae29199320ba/ODR-as-a-new-way-of-resolving-online-disputes-in-E-commerce.pdf](https://www.researchgate.net/profile/MokhinurBakhramovna/publication/360454069_ODR_as_a_new_way_of_resolving_online_disputes_in_E-commerce/links/6277799a107cae29199320ba/ODR-as-a-new-way-of-resolving-online-disputes-in-E-commerce.pdf)

12. Bakhramova, Mokhinur. "Legal Regulation of Electronic Arbitration: Recognition and Execution of its Decisions." *Interfaces* 19.2 (1998). [https://www.researchgate.net/profile/MokhinurBakhramovna/publication/360356710\\_Legal\\_Regulation\\_of\\_Electronic\\_Arbitration\\_Recognition\\_and\\_Execution\\_of\\_its\\_Decisions/links/62726e9f2f9cfcf58eb2c4e81/Legal-Regulation-of-Electronic-Arbitration-Recognition-and-Execution-of-its-Decisions.pdf](https://www.researchgate.net/profile/MokhinurBakhramovna/publication/360356710_Legal_Regulation_of_Electronic_Arbitration_Recognition_and_Execution_of_its_Decisions/links/62726e9f2f9cfcf58eb2c4e81/Legal-Regulation-of-Electronic-Arbitration-Recognition-and-Execution-of-its-Decisions.pdf)

13. Rustambekov, I., and M. Bakhramova. "Legal Concept and Essence of International Arbitration." URL: <https://www.ijsshr.in/v5i1/Doc/18.pdf>: 122-129.

<https://www.ijsshr.in/v5i1/Doc/18.pdf>